

# Муфтий ҳазратларининг Рамазон ойи табриклари нуфузли халқаро ташкилот саҳифаларида



13:05 / 04.03.2025 1252

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Ислом умматини Рамазон ойи билан муборакбод этган табриклари нуфузли халқаро ташкилот – Мусулмон донишмандлар кенгашининг ижтимоий тармоқларида машҳур уламолар қаторида эълон қилинди. Жумладан:

– Бутун дунёдаги ака-ука, опа-сингиллар, барчангизни раҳмат ва мағфират ойи бўлмиш муборак Рамазон ойи кириб келиши билан чин қалбимдан табриклайман. Аллоҳ таолодан бу ойни сиз ва оилангиз учун хайр, барака ва раҳматга тўла бўлишини, барчамизни унинг рўзаси ва (кечаларини) қоим қилишга муваффақ этишини ҳамда амалларимизни қабул қилиб, гуноҳларимизни мағфират қилишини сўрайман, – дейилади қутлов муқаддимасида.

Муфтий ҳазратлари ўз табрикларида рўза фақат жисмоний ибодат эмас, балки руҳий юксалиш, гуноҳлардан узоқлашиш ва тақво билан зийнатланиш воситаси эканлигини эслатиб, Рамазонда жаннат эшиклари очилиб, бу муборак ойда Аллоҳ таолога яқин бўлиш имкониятлари ортиши мўминлар учун улкан хушxabар эканини таъкидлаганлар. Шунингдек, Рамазон қалбни поклаш, гина-кудратлардан узоқ бўлиш ва нафсни иймону

тақво ила сайқаллаш учун олтин фурсат ҳисобланишини алоҳида қайд этганлар.

«... Аллоҳдан ушбу фазилатли ойда ибодатларингизга муваффақият, қалбларингизга хотиржамлик, тутаётган рўзаларингиз ва адо этаётган таровеҳларингиз ҳамда савобли амалларингизни қабул қилишини сўрайман», – дейилади табрик хотимасида.

Мазкур табрикни қуйидаги ҳавола орқали кўриш мумкин:

<https://www.facebook.com/watch/?v=4069559589999455&rdid=qdxjgkn0MIDjpUCO>